

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Эхсонова Феруза Турдихужаевна

Мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси

катта ўқитувчиси

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15736370>

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерида хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Креативлик ўқув-билиш ёки афзал кўриш сифатида таҳлил этилиши ҳам мумкин: баъзи ўқувчилар танқидий, таҳлилий ёки баҳоловчи фикрлашни, бошқалар эса фактларга асосланган билимларга эга бўлишни афзал кўрадилар, яна бошқалари эса табиатан креатив ва танқидий фикрлашга мойил бўлади. Шунга асосланган ҳолда ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти ва мойиллиги ва қолаверса уларнинг ўқув-билиш услубидан келиб чиқиб дарсларни режалаштирсалар мақсадга мувофиқ ҳисобланади (Starko A.J., 2005). Ўқитувчи ўқувчиларга яқка тартибда ёки гуруҳларда ишлаш орқали креатив, танқидий фикрлашни талаб қилувчи вазифаларни бериши мумкин. Бунда ўқувчилар ҳар икки фикрлаш тарзидан бирини танлаш имкониятига эга.

Ижодкорлик фаолияти уч асосий йўналишни ўз ичига олади. Булар ўқувчиларнинг бирор бир ҳақиқатни мустақил излаши ва кашф этиши билан боғлиқ эвристик ва муаммоли таълимдир. Эвристик таълим эса ўқувчиларда ижодий қобилиятни шакллантириш ва илмий асосланган фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Муаммоли вазиятлар яратиш орқали ўқувчиларни мантиқий, илмий, дидактик, ижодий фикрлашга ўргатиб борилди. Бу борада таълим жараёнига технологик ёндашув ўз самарасини берди. “Ақлий ҳужум”, “Кластер” жадвали тузиш, шеърый топишмоқлар асосида ташкил этилган “Ўйла, изла, топ” ўйин-дарслари бунга мисол бўла олади.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда диалог дарслар, мунозаралар, баҳс-суҳбатлар, фантазия, изланиш дарслари, муаммоларни ҳал этиш дарслари, ихтирочилик, моделлаштириш, бадий-техник ижодкорлик, рамзлар ижод қилиш, кашфиётлар қилиш, иншолар ёзиш, солномалар тузиш шулар жумласидандир. Ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил этиш шакл ва методлари хилма-хил бўлиб, анъанавий дарс шаклларида қараганда таълимга технологик ёндашув асосида инновацион методларни қўллаш самарали кечади.

Шу билан бирга ўйинлар воситасида шахсни эмоционал - ҳиссий, интеллектуал ҳамда ахлоқий ривожланишида қулай имкониятлар мавжуд бўлиб, булар ишбоп ўйинлар, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар, компьютерли ўйинлар тарзида амалга ошади. Тадқиқот давомида улар таркибига амалга оширилган

интеллектуал-ижодий ўйинлар, ишбop ўйинлар катта имкониятларга эга эканлигини намоён этди.

Бошланғич таълимда ижодий фаолиятни ташкил этишнинг энг қулай шакли ўйинлар бўлиб, булар ишбop ўйинлар, дидактик ўйинлар, ролли ўйинлар ҳамда компьютерли ўйинлар, интеллектуал ўйинлар бўлиб, булар бир томондан муайян ностандарт вазифалар билан боғлиқ ҳолда ҳақиқий фаолият юритсалар, иккинчи томондан бу фаолият маъсулиятни ҳис этган ҳолда вазиятлардан четга чиқувчи шартли хусусият ҳам касб этадилар.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Эхсонова.Ф.Т- Бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш
2. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)-Андижон-2020-97 б
3. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.
4. Назарова Ҳ.П. Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив саводхонлигини таъминлашнинг дидактик асослари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1999. –245 б
5. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. Автореф. – Т., 2017. – 50 б.